

Имом Термизий номидаги ислом институти ташкил этилди



21:45 / 11.08.2024 1671

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг 2019 йилда Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ижроси юзасидан Термиз шаҳрида 2020-2021 ўқув йилидан ўрта махсус ислом таълим муассасаси ташкил этилган бўлиб, 2023-2024 ўқув йилида илк битирувчилар мазкур таълим муассасасини тамомлади.

Ўрта махсус ислом таълим муассасасининг узвий давоми сифатида **Имом Термизий** номидаги ислом институти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Таълим муассасасида ўқиш муддати 4 йил бўлиб, бакалавр даражасидаги олий диний маълумотли ҳадис илмлари, диний фанлар ва араб тили бўйича

мутахассислар тайёрланади.

Имом Термизий номидаги ислом институтига 2024-2025 ўқув йили учун қабул эълон қилинади. Ўқишга кириш истагида бўлган абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш 2024 йил 14 августдан 20 августга (шу куни ҳам соат 18:00 гача) қадар давом этади.

Абитуриентлар Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим муассасаси ректори номига ариза;

паспорт ёки ID карта нусхаси (асли кўрсатилади);

ўрта махсус ислом таълим муассасасини тамомлагани тўғрисидаги ҳужжат (диплом) ва унинг иловаси асл нусхада;

3,5 x 4,5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат (сўнгги уч ойда олинган ва орқа фони оқ рангда бўлиши талаб этилади).

Абитуриентлар қуйидаги фанлар бўйича қабул имтиҳонларини топширадилар:

Араб тили (тест синови) 30 X 3,1 - 93 балл

Ҳадис ва Мусталаҳул ҳадис (ижодий имтиҳон) 63 балл

Ўзбекистон тарихи (тест синови) 30 X 1,1 - 33 балл

Араб тили бўйича В2 даражасидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади.

Маълумот ўрнида: Таълим муассасасига ҳужжат топшириш учун абитуриентлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Қабул имтиҳонларини ўтказиш санаси бўйича қўшимча маълумот берилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати